

# Япониянинг дунёга машҳур "Ajinomoto" корпорацияси вакиллари "Чирчиқ" кимё-индустрисал технопаркига ташриф буюришди

// 15.09.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yaponianing-dunyoga-mashhur-ajinomoto-korporaciyasi-vakilla>



@chempark | [www.chemparks.uz](http://www.chemparks.uz)

"Ajinomoto" - 1909-йилда ташкил этилган корпорация бўлиб, озиқ-овқат, зираворлар, аминокислоталар ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилардан бири ҳисобланади.



@chempark | www.chemparks.uz

"Ajinomoto Co., Inc." компаниясининг катта вице-президенти ва ижрочи директори жаноб Ёшитер Масай бошчилигидаги делегациянинг ташрифи янги ишлаб чиқариш мажмуасини жойлаштириш учун "Чирчиқ" технопарки салоҳиятини ўрганишга қаратилган.



@chempark | www.chemparks.uz

Ташриф давомида меҳмонлар технопаркнинг саноат инфратузилмаси, логистика имкониятлари, шунингдек, муваффақиятли амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.

"Чирчик" кимё-индустрисал технопарки тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ишларни давом эттириб, ўзини бизнес юритиш учун замонавий ва юқори технологияга эга саноат майдони сифатида намоён этмоқда.